


# Немис кимёгарлари CO<sub>2</sub> ёрдамида оксидлаш усулини ишлаб чиқди

// 17.06.2026

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/nemis-kimyogarlari-co-yordamida-oksidlash-usulini-ishlab-chi>



Германиянинг Байройт университети олимлари CO<sub>2</sub> (карбонат ангидрид) газидан кислород манбаи сифатида фойдаланиш технологиясини таклиф қилди. Тадқиқот натижалари *Science* журналида эълон қилинди.

Ишлаб чиқилган усул темир асосидаги гетероген фотокатализатор ёрдамида амалга оширилади.

Ёруғлик таъсирида фотокатализатор CO<sub>2</sub>ни фаоллаштириб, алкенларни оксидловчи парчалаш жараёнини таъминлайди. Алкенлар пластмасса, фармацевтика маҳсулотлари ҳамда турли қопламалар ишлаб чиқаришда кенг қўлланиладиган муҳим бирикмалар ҳисобланади.

Реакция хона ҳарорати ва атмосфера босими шароитида, сиқилган кислороддан фойдаланмасдан

кечади. Бу эса жараёнда иссиқликнинг назорациз ортиб кетиши ва портлаш хавфини бартараф этади.

Тадқиқот Германия, Италия, Швеция, Полша ва Хитойнинг илмий марказлари ҳамкорлигида амалга оширилди.